DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-02 Pages: 10-17

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



GRAMMATICAL VIEWS IN MAHMUD ZAMAKHSHARI'S «MUQADDIMAT AL-ADAB»

Zohidjon M. Islamov
Doctor of Philological Sciences, Professor
Pro-rector for Academic Affairs and Innovations
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Mahmud Zamakhshari, grammar, Arabic language, linguistics, morphology, syntax, verb con-jugation.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The article analyzes the grammatical heritage of Mahmud Zamakhshari, in particular, the sec-tion of his work "Muqaddimat al-Adab" dedicated to verb conjugation. The scholar's contribu-tion to the development of Arabic linguistics, his place and scientific achievements are high-lighted. Mahmud Zamakhshari's grammatical views and methods are shown to be significant for modern linguistics. Zamakhshari's place in Arabic grammar and the relevance of his works today are revealed. The grammatical heritage of Mahmud Zamakhshari is an important part of Arabic linguistics, and his works have not lost their significance to this day.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ «МУҚАДДИМАТУ-Л-АДАБ» АСАРИДА ГРАММАТИК ҚАРАШЛАР

Зоҳиджон М. Исломов
профессор, филология фанлари доктори
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, грамматика, араб тили, тилшунослик, морфология, синтаксис, феълларнинг тусланиши.

Аннотация: мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг грамматик мероси, хусусан, унинг «Муқаддимату-л-адаб» асарининг феъллар тусланишига бағишланган қисми таҳлил этилган. Олимнинг араб тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, тутган ўрни ва илмий ютуқлари ёри-тилган. Маҳмуд

Замахшарийнинг грамматик қарашлари ва усуллари замонавий тилшу-нослик учун аҳамиятли эканлиги кўрсатилган. Замахшарийнинг араб грамматикасидаги ўрни ва унинг асарларининг ҳозирги кундаги долзарблиги очиб берилган. Маҳмуд За-махшарийнинг грамматик мероси араб тилшунослигининг муҳим қисми бўлиб, унинг асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ГРАММАТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ В ПРОИЗВЕДЕНИИ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ «МУКАДДИМАТУ-Л-АДАБ»

Зохиджон М. Исламов
профессор, доктор филологических наук
Проректор по научной работе и инновациям
Международная исламская академия Узбекистана
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, грамматика, арабский язык, языкознание, морфология, синтаксис, спряжение глаголов.

Аннотация: В статье анализируется грамматическое наследие Махмуда Замахшари, в частности, ана-лизируется раздел его труда «Мукаддимату-л-адаб», посвященный спряжению глаголов. Раскрывается вклад ученого в развитие арабского языкознания, его место и научные до-стижения. Грамматические взгляды и методы Замахшари оцениваются с точки зрения их значения для современного языкознания. Также рассматривается место ученого в араб-ской грамматике и актуальность его трудов в настоящее время. Грамматическое наследие Махмуда Замахшари является важной частью арабского языкознания, и его труды не утратили своего значения и в настоящее время.

Кириш

Абулқосим Маҳмуд Замахшарий дунё илм аҳллари томонидан ҳақли равишда буюк қомусий олим сифатида эътироф этилган. Алломанинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, дидактика, исломшунослик каби турли фан соҳаларига бағишланган 72та нодир асар яратганлиги аниқланган. Маҳмуд Замахшарий араб тилшунослиги, унинг назарий масалалари хусусан, морфология, синтаксис соҳасида улкан илмий янгиликлар яратди. Олим араб тилшунослигига бағишланган 30 га яқин мукаммал юқори илмий савиядаги асарлар ёзди ва мусулмон дунёси олимлари томонидан “Устозу-л-араб ва-л-

ажам" – "Араблар ва араб бўлмаган миллатларнинг устози" деган шарафли номга сазовор бўлди.

Инсоният тамаддунининг қадимий маданий марказларидан саналган Хо-размда туғилган олим ислом фани ҳамда маданиятига, айниқса араб тили, адабиётига ўзгача муҳаббат билан қарайди ва уларни мукаммал эгаллашга ҳаракат қилади. Шу боисдан у араб тилини чуқур ўрганиш мақсадида ўз даврининг йирик тилшунос олимларидан сабоқ олади. Жумладан, Абу Мудар Муҳаммад ибн Яқуб Бухорий, Абу Мансур Мутри ибн Али Форсий каби машҳур устозлардан таълим олади. Устозларининг бой илмий меросидан баҳраманд бўлган Замахшарий араб тилшунослигига оид бир қанча тадқиқот-лар олиб боради. Ўз навбатида устозларининг илмий қарашлари Замахшарий-нинг келажакда етук олим бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қила-ди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Маҳмуд Замахшарийнинг грам-матик меросини тадқиқ этишда бир қатор усуллардан фойдаланилди, жумла-дан, тарихий-биографик усул Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти, илмий фаоли-яти, устозлари ва илмий муҳитини ўрганишда қўлланилган. Бу усул олимнинг грамматик меросига таъсир кўрсатган омилларни аниқлашга ёрдам беради. Қиёсий-тарихий усул Замахшарийнинг грамматик қарашлари ва усулларини замонавий тилшунослик билан қиёслашда, шунингдек, унинг асарларини бошқа олимларнинг асарлари билан таққослашда қўлланилган. Бу усул За-махшарийнинг илмий меросининг ўзига хос хусусиятларини ва унинг араб тилшунослигидаги ўрнини белгилашга имкон беради. Тавсифий усул Маҳмуд Замахшарийнинг асарларини тавсифлаш, уларнинг мазмуни, тузилиши ва ху-сусиятларини очиб беришда қўлланилган. Манбашунослик усули Замахша-рийнинг асарларининг қўлёзмаларини топиш, таҳлил қилиш ва манба сифати-да ўрганишда қўлланилган. Бу усуллар мажмуи тадқиқотнинг мақсадига эри-шиш ва илмий натижаларни объектив баҳолаш имконини берди.

Натижалар. Хоразмда туғилган олим ислом фани ҳамда маданиятига, айниқса араб тили, адабиётига ўзгача муҳаббат билан қарайди ва уларни му-каммал эгаллашга ҳаётини бағишлайди. У дастлаб араб тили сабоқларини маҳаллий олимлардан сўнгра Абу Музар Заббий Исфаҳоний каби машҳур тилшунослардан олади. Хоразмшоҳлар давлатида алоҳида нуфузга эга бўлган Низомулмулк ва бошқа бир қатор олимлар Маҳмуд Замахшарий илмий муҳи-тининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Шунингдек олим араб тили грамматикасига бағишланган "Аъжабу-л-ажаб фи шарҳ "Ломияти-л-араб" – "Араб грамматикасига оид "Ломия" аса-рининг энг ажойиб шарҳи", "Дурру-д-даир ал-мунтахаб мин кинаят ва ис-тиъарат ва ташбиҳати-л-араб" – "Араб тилидаги киноя, истиора ва ташбеҳларга оид гавҳарлар", "Муфрад ва-л-муаллаф фи-н-

наҳв" – "Араб грамматикасида содда ва мураккаб сўзлар", "Муқаддамату-л-адаб" – "Адаб илмига кириш", "Рисалату-т-тасарруфот" – "Морфологияга оид рисола" , "Рисала фи-л-мажоз ва-л-истиъара" – "Мажоз ва истиъора ҳақида рисола", "Таълиму-л-мубтадий ва иршоду-л-муқтадий" – "Бошловчи учун таълим ва эргашувчи учун йўлланма", "Шарҳу-л-Муфассал" – "Муфассал" асарига шарҳ", "Амолий фи-н-наҳв" – "Грамматика борасида имлолар", "Асмо фи-л-луғати" – "Тилшуносликда исмлар","Муфрад ва-л-мураккаб фи-л-арабия" – "Араб тилидаги бирлик ва кўплик", "Ҳошия ала-л-Муфассал" – "Муфассал" асарига ҳошия".

Маҳмуд Замахшарий тахминан 1137 йили ўзининг ушбу машҳур асари-ни Хоразмшоҳ Муҳаммад Ништегиннинг ўғли Отсизнинг буйруғи билан яра-тади [Buniyatov, 1986, p. 248]. «Муқаддамату-л-адаб» мураккаб тузилишга эга бўлиб, муқаддима, исмлар, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмлар-нинг турланиши, феълларнинг тусланиши қисмларидан иборат. «Муқаддама-ту-л-адаб» фанимизда луғат номи билан ҳам машҳур, чунки асарнинг исмлар, феъллар қисмлари луғат тарзида тузилган ва қолган қисмларга нисбатан ҳажман катта бўлган. Асарнинг қолган қисмлари араб тили грамматикасига бағишланган бўлиб, юзлаб нусхаларда кўчирилган, лекин уларда муаллиф, асарнинг номи ҳақида маълумот берилмаган. Шу сабабли, улар айнан «Муқаддамату-л-адаб»нинг қисмлари эканлиги тўғрисида фикр юритилма-ган. Бу қисмлар кўплаб грамматик мажмуалар таркибига киритилган ва қисм-нинг асардаги номи билан эмас, балки қисмнинг бошланишидаги жумла номи билан аталган. Масалан, исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисм تصريف الاسماء – тасри:фу-л-асма: деб эмас, балки жумланинг бошлани-шида келган ибора билан, яъни حركات الاعراب – ҳарака:ту-л-иъра:б деб шартли номланган. Халқ орасида бу қисм айнан ҳарака:ту-л-иъра:б номи билан машҳур бўлган. «Муқаддамату-л-адаб»нинг бу қисмлари ҳали махсус ўрга-нилган эмас.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари қисқа муқадди-ма билан бошланади. Олимнинг илмий лабораториясига хос бўлган хусусият-лардан бири унинг ўз асарларига киритган мўъжаз кириш, муқаддималаридир. Муаллифнинг аксарият асарлари, жумладан, اطواق الذهب في المواعظ والخطب– Ат-ва:қу-з-заҳаб фи-л-мава:из ва-л-хутаб – «Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари». اساس البلاغة– Аса:су-л-бала:ға – «Балоғат асоси» ҳам мана шундай қисқа муқаддима билан бошланади. Маҳмуд Замахшарий адабий асарлардаги каби анъанавий узун кириш сўзларидан воз кечиб, муқаддимада асосий мақсад – асарининг ёзилиши тарихи, тузилиши ҳақида маълумотларни келти-ради. Асар муқаддимасида Замахшарий араб тилининг бойлиги, уни ўрга-нишнинг зарурлиги тўғрисида ўз фикрларини баён этади. Шунингдек, муал-лиф асарни Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз (1128-1156) нинг буйруғи билан унинг кутубхонаси учун махсус нусха тарзида ёзганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, олимлар «Муқаддамату-л-адаб»

Абулмузаффар Отсиз тахтга ўтирмасдан илгарироқ ёзилган, у билан танишган ҳукмдор асар-нинг содда, равон, ўта фойдали эканлигини англаб, ўзининг кутубхонаси учун муаллиф қўли билан кўчирилган махсус нусха яратилмоғини буюрган, деган фикрни билдирадилар. Бу фикрда ҳам мантиқий мазмун бордек кўринади, чунки Замахшарийнинг ўзи «Муқаддамату-л-адаб» дан «бир нусха битиш ҳукми менга етти», [Zamakhshari, №202] - деб ёзади.

Хоразмшоҳ Отсиз эса ўз даврининг етук, одил ҳукмдорларидан бири бўлиб, ўз саройига кўплаб машҳур олимларни, адибу шоирларни жамлаган. Уларни асраб, илмий ижодлари учун лозим шароитларни яратиб, моддий жиҳатдан таъминлаб турган. У олим, шоир, адибларга совға-саломлар юбо-риб, ҳолидан хабардор бўлган. Шу боис, Алоуддавла даврига келиб илм, фан, ҳунармандчилик, адаб илми ривожланган. Ўрта асрлардаги «адаб» илми си-расига эса адабиёт, фалсафа, морфология, синтаксис, мантиқ, луғатшунослик каби илмлар мажмуи кирган. Маҳмуд Замахшарийнинг ўзи асарини «Адаб илмига кириш» деб аташи ҳам бежиз бўлмаган. Шу даврга келиб, «Муқадда-мату-л-адаб» каби қомусий асарга эҳтиёж сезилган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг муқаддимаси асарнинг илмийлигини мукаммаллаштирувчи бир қисми ҳисобланади. Унда ўша давр тарихи, Хо-размшоҳ Абулмузаффар Отсизнинг ҳукмронлик даври, унинг фаолияти, шах-сияти ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг исмлар қисми кенг қамровли, сермазмун сўз бойлигига эга. Исмлар қисмига 6250 та сўз мақоласи киритилган. Сўзларнинг умумий сони бундан анчагина кўп. Чунки улар жумлалар шаклида изоҳлан-ган. Асарнинг мазкур қисмидаги сўз бойлигини бошқа нодир қўлёзмалардаги сўзлик билан қиёслаш унинг мазмунан бойишига, сон жиҳатидан ортишига олиб келади. Исмлар қисмининг сўзлиги 18 боб, 78 фаслда изоҳланган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, қиёсланаётган қўлёзмаларда боб ва фасллар сони бир хил эмас. Бу эса «Муқаддамату-л-адаб» нинг исмлар қисми бўйича тадқиқот ишларини давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг феъллар қисми юқори илмий савияда, етук асар даражасида ёзилган. Бундан Маҳмуд Замахшарийнинг араб тилини ўта мукаммал билганлиги яққол кўриниб турибди. Муаллиф араб тилидаги мавжуд барча феъл боблари, улардаги ҳамма ички ўзгаришлар ҳақида маълу-мотга эга бўлган. Бу эса феъллар қисмида яққол ўз аксини топган. Асарнинг феъллар қисмидаги сўз мақолалари фақатгина феъллардан иборат эмас. Унинг таркибига феъллардан ясалган исмлар, яъни масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари ҳам киритилган. Маҳмуд Замахшарийнинг муваффақияти шундаки, у аксарият феъл мақолаларини бирикма, жумла таркибида келтир-ган. Бу илмий

маҳорат у ёки бу феъл мақоласининг маъносини аниқ ва далил билан изоҳлашга имкон беради. Феъллар қисмига жами 6934 та феъл мақола-си, 1716 та масдар, сифатдош кўриниши жамланган. Феъл мақолалари жумла таркибида берилганлиги сабабли, туркий муодилларнинг сони юқорида кўрсатилган сўз мақолалари сонидан анча фарқли. Асарнинг феъллар қисми унинг биринчи – исмлар қисмини мантиқан тўлдиради, унинг сўз бойлигини маънавий ранг-баранг қилади ва бойитади.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг учинчи қисми ҳарфлар-ёрдамчи сўзларга бағишланган. Унда соф араб тили грамматикаси, араб адабий тилидаги юкла-ма, боғловчи, кўмакчилар ҳақида маълумот берилади. Асарнинг бу қисми ўзига хос мукаммалликда яратилган. У мустақил асар сифатида грамматик мажмуалар таркибига киритилган. Ҳарфлар қисми қуйидаги саккиз фаслдан иборат.

Маҳмуд Замахшарий араб тилида истеъмолда бўлган барча ёрдамчи сўзлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган.

Асарда келтирилган грамматик ҳолат қисқа, илмий жиҳатдан пухта хуло-са-қоида тарзида берилиб, содда, тушунарли мисоллар билан тўлдирилган. Бу эса мазкур қисмнинг давр ўтиши билан мустақил асар сифатида кўплаб кўчи-рилиб, тарқалишига сабаб бўлган. Муаллиф ҳарфлар қисмида изоҳлаган ёр-дамчи сўзларнинг барчаси ҳозирги араб адабий тилида қўлланилмоқда [Grande, p.592]. Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг ҳарфларга бағишланган қисми ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Асардан ҳозирги кунда ҳар араб тилини ўқитиш учун асосий манба сифатида фойдала-ниш мумкин.

Бу қисм араб адабий тилида исмларнинг турланишига бағишланган. Унда гапда турли грамматик ҳолатлар таъсири остида исмларнинг охирида юз бе-радиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар изоҳланади. Улар араб тилидаги бош ке-лишик (الرفع – ар-рафъ), қаратқич келишиги (ألجر– ал-жарр), тушум келиши-ги (ألنصب– ан-насб) ҳолатларида намоён бўлади. Исмларнинг турланишига бағишланган қисм қуйидаги фасллардан иборат.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисмида араб тилидаги исм туркумига кирувчи барча сўзларга оид грамматик ҳолатлар изоҳланган. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳаларидан бирига бағишланганлиги сабабли, зарур манба сифатида, алоҳида кўринишда жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. У халқ орасида асарнинг бошланиш жумласи, яъни حركات الاعراب– ҳарака:ту-л-иъра:б номи билан танилган. Қўлёзмаларда унинг асл номи кўрсатилган эмас. Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисми вақт ўтиши билан ўзининг мукаммаллиги, илмий пухталиги сабабли, тугал асар даражасига етиб борган ва кенг шуҳрат топган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг бешинчи қисми араб тили грамматикасининг энг муҳим мавзуси – феълларнинг тусланишига бағишланган. Араб тилидаги феъл сўз туркуми, феълларнинг тусланиши араб тили грамматикасининг асо-сини ташкил этади. Феълларнинг тусланишига бағишланган қисм барча қўлёзмаларда бисмилло билан бошланади. Мазкур қисм асар қўлёзмаларида турлича номланган. «Муқаддамату-л-адаб» нинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги қўлёзмасида бу қисм القسم فى التصريف الافعال – ал-қисму фи тасрифи-л-афъа: л, Россия ФА Шарқшунослик институти фондидаги С 291 рақамли қўлёзмада القسم فى تصرف الأفعال – ал-қисму фи тасарруфи-л-афъа: л деб кўрсатилган. Қисмнинг бошланишида анъанавий араб тилшунослари томонидан қабул қилинган ўзак системаси ҳақида фикр юритилади. Унга кўра, сўз ўзаги уч ҳарф ف– фа:, ع – ъайн, ل – ла: м ҳарфлари билан белгиланади. Кириш қисмида феълларнинг биринчи бобдан ўнинчи бобгача бўлган қолиплари, турли шаклдаги феълларнинг қайси бобга мансуб эканлигини аниқлаш ҳақида маълумот берилади.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг феълларнинг тусланишига бағишланган қисми ҳам унинг олдинги араб тили грамматикаси қоидаларига бағишланган ҳарфлар, исмларнинг турланиши қисмлари каби мукаммал, етук илмий асар сифатида машҳур бўлган.

«Муқаддамату-л-адаб» асари устида олиб борган узоқ йиллик излани-шларнатижасида унинг жаҳон фондлари бўйлаб тарқалган луғат қисмлари ки-ритилган 70та қўлёзма нусхалари аниқланган.

Хулоса. Маҳмуд Замахшарийнинг грамматик мероси араб тилшуносли-гининг муҳим қисми бўлиб, унинг асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Хусусан, унинг «Муқаддимату-л-адаб» асари араб тили грамма-тикасининг турли жиҳатларини, жумладан, феълларнинг тусланиши каби муҳим мавзуларни қамраб олган. Олимнинг араб тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, тутган ўрни ва илмий ютуқлари алоҳида эътирофга сазовор-дир. Маҳмуд Замахшарийнинг грамматик қарашлари ва усуллари замонавий тилшунослик учун ҳам аҳамиятли бўлиб, унинг асарлари ҳозирги кунда ҳам долзарблигини сақлаб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abul Qasim Jarullah Mahmud ibn Umar al-Zamakhshari al-Khorezmi (2000). al-Kashshaf, - Cairo: Maktabat Misr. Vol. 1. (in Arabic)
2. Grande, B.M. (2001). A Course in Arabic Grammar in a Comparative-Historical Perspective. - Moscow: Vostochnaya Literatura RAN. – 592 p. (in Russian)
3. Islamov, Z.M. (1993). «Analysis of Turkic verbs in Mahmud Zamakhshari's «Muqaddimat al-Adab». Abstract of diss. ... Dr. of Historical Sciences. - Tashkent: Institute of Manuscripts named after H.Sulaymanova ANUz. – 30 p. (in Uzbek)

4. Islamov, Z.M. (1999). «Manuscript sources of Zamakhshari's «Muqaddimat al-Adab» and the collective scientific-critical text of the Arabic-Turkic verb dictionary. Abstract of diss. ... Dr. of Historical Sciences. - Tashkent: Institute of Manuscripts named after H.Sulaymanova ANUz. – 45 p. (in Uzbek)

5. Mahmud Zamakhshari (1998). Asas al-Balagha. - Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya. (in Arabic)

6. Mahmud Zamakhshari (1989). Qustas al-Mustaqim fi ilm al-aruz. - Beirut. (in Arabic)

7. Mahmud Zamakhshari (2004). Mufassal fi sanat al-i'rab. - Jordan: Amman. (in Arabic)

8. Mahmud Zamakhshari. Muqaddimat al-Adab. Fund of the Literature Museum of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, manuscript No. 202. (in Arabic)

9. Mahmud Zamakhshari (1999). Unmuzaj fi-n-nahw. (in Arabic)

10. Mahmud Zamakhshari (2004). Faiq fi gharib al-hadith. (in Arabic)

11. Buniyatov, Z.M. (1986). The State of the Khorezmshahs-Anushteginids (1097-1231). - Moscow: Nauka. – 248 p. (in Russian)